

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
BAZIRLAR MAᖘKAMASI ᖘUZURIĐAĐI ĐAVLAT TEST MARKAZI
ЎZBЕKISTON RESPUBLIKASI OLII VA ЎRTA MAᖘSUS TAЪЛИM
BAZIRLIGINING ЎRTA MAᖘSUS, KASB-ᖘUNAR
TAЪЛИMI MARKAZINING
QARORI

44 Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2480-2

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги 109-сонли қарори билан тасдиқланган Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш ва расмийлаштиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига саралаш тест синовларини ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2013 йил 16 июлдаги 19/ққ, 36/ққ-сонли қарори (рўйхат рақами 2480, 2013 йил 19 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 381-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат тест
маркази директори**

Ж. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 27 январь,
05/ққ-сон

**Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг Ўрта махсус,
касб-хунар таълими
маркази директори**

У. САЛИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 27 январь,
03/кк-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест
маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар
таълими марказининг 2016 йил 27 январдаги
05/кк, 03/кк-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими
муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Қабул комиссиясининг таркибига ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директори, Давлат тест маркази, ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари, туман (шаҳар) ҳокимликларидан биттадан вакил ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари киритилади.

Қабул комиссиясининг таркиби тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тавсияси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори томонидан тасдиқланади. Бунда қабул комиссиясининг таркиби саралаш тест синови ўтказиладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари белгилангандан сўнг, уч иш куни ичида тасдиқланиши лозим.

Давлат тест маркази вакили қабул комиссияси раиси ҳисобланади. Қабул комиссияси раиси сифатида белгиланган Давлат тест маркази вакиллари рўйхати саралаш тест синови ўтказиладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари белгилангандан сўнг, икки иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига тақдим этилади.

Саралаш тест синови ўтказиладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директори қабул комиссияси масъул котиби ҳисобланади.»

2. 10-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«саралаш тест синови ўтказилишидан 10 кун олдин мазкур Ўўриқнома-нинг 1-иловаси 1-шакли бўйича абитуриентлардан тушган аризалар ҳақида маълумотни, мазкур Ўўриқноманинг 1-иловаси 2-шакли бўйича фан олимпиадалари, танлов ва мусобақалар ғолиблари рўйхатини қабул комиссияси масъул котиби томонидан тасдиқланган ҳолда Давлат тест марказига тақдим этади ва ушбу ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиши қатъиян ман қилинади;».

3. 20 ва 21-иловалар тегишлича мазкур ўзгартиришларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазир

А. АЛИМОВ

2016 йил 27 январь

*Маданият ва спорт
ишлари вазир*

Б. АХМЕДОВ

2016 йил 27 январь

*Ўзбекистон Бадий
академияси раиси*

А. НУРИДИНОВ

2016 йил 27 январь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ бошқаруви раиси*

А. РАМАТОВ

2016 йил 27 январь

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2016 йил 27 январь

44-модда

— 12 —

5 (713)-сон

Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномага киритилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномага
20-ИЛОВА

Таълим муассасасининг коди ва номи	Бино	Қават	Гуруҳ

Тест синовларидан четлаштириш тўғрисида ДАЛОЛАТНОМА

20__ йил «__» _____

(далолатнома тузилган жой номи)

Биз, қуйида имзо чекувчилар шуни тасдиқлаймизки, абитуриент _____

(Ф.И.О.)

махсус коди _____, жавоблар варақаси рақами _____,

(бузилган тест синовлари коидаси)

соат _____: _____ дақиқада тест синовидан четлаштирилди.

1. Аудитория раҳбари _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

2. Аудитория кузатувчиси _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

3. Давлат тест марказининг
кават бўйича вакили _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Изоҳ: ушбу далолатнома абитуриентнинг жавоблар варақаси ва титул варақаси билан биргаликда елимланиб, жавоблар варақаси пакетига солинади. Агар абитуриент тест материалларини ўз вақтида топширмаса, далолатнома унинг титул варақаси билан биргаликда елимланиб, жавоблар варақаси пакетига солинади.»

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

5 (713)-сон

— 13 —

44-модда

Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномага киритилаётган ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномага
21-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директорига

(абитуриентнинг Ф.И.О. ва яшаш манзили)

(абитуриентнинг Ф.И.О. ва яшаш манзили)

**Тест саволлари ёки тест синовларини ўтказиш жараёни
юзасидан эътирозлар бўйича
АРИЗА**

Мен, _____
(абитуриентнинг Ф.И.О.)

Таълим муассасасининг коди ва номи	Гуруҳ	Махсус коди	Жавоблар варақаси рақами

1) қуйидаги фанларга доир тест саволларига эътирозимни кўриб чиқи-
шингизни сўрайман:

Т/р	Фан номи	Саволлар рақами	Эътироз мазмуни
1.			
2.			
3.			

2) тест синовлари жараёни бўйича қуйидаги эътирозимни кўриб чиқи-
шингизни сўрайман:

44-45-моддалар

— 14 —

5 (713)-сон

(абитуриент Ф.И.О.)

(имзо)

(сана)

Изоҳ: ариза тест синови ўтган куни тест синови ўтказилган бинода шахсан абитуриент томонидан икки нусхада ёзилади ва бир нусхаси қабул комиссияси орқали Давлат тест марказига тақдим этилади. Ариза қабул қилиб олинганлиги тўғрисида аризанинг иккинчи нусхасига аризаси қабул қилиб олувчининг фамилияси ва исми, имзоси ва ариза қабул қилиб олинган сана қўйилади.».